



ТАБРИКНОМА

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ТАБРИГИ

download from website [http:// www.andijan.uz](http://www.andijan.uz)

Андижон вилояти ҳокимлиги

“Бутунжаҳон талабалар куни” муносабати билан 2015 йил 17 ноябрь куни ўтказиладиган тантанали маросим иштирокчиларига вилоят ҳокими Ш.Қ.Абдурахмоновнинг

ТА Б Р И К С Ў З И

**Ассалому алайкум азиз ҳамюртлар!
Ҳурматли меҳмонлар!
Қадрли талаба ёшлар!**

Бугун жонажон диёримизнинг барча вилоятларида катта шоду-хуррамлик ва хурсандчилик билан нишонланаётган, ёшларимизнинг энг нуфузли тадбирларидан бири бўлиб қолган **“Бутунжаҳон талабалар куни”** билан, авваламбор Сизларни, Сизлар орқали вилоятимиздаги барча талаба-ёшларни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизлар Муҳтарам Президентимиз ва Ҳукуматимизнинг ёшларга кўрсатаётган катта эътибори ва ғамхўрлигини ҳар қадамда ҳис қилиб турибсизлар, деб ўйлайман.

Давлатимиз раҳбари бу йилги сайловолди учрашувларда ёшларга қарата: **“Сизнинг қалбингизда ўз юртини севиш, шу юрт учун ёниб яшаш туйғуси бошқача бўлиб, бу Сизларнинг бахтингиз, десак, тўғри бўлади.”**, деб айтган гаплари бежиз эмас.

Чунки, юртимизда мустақиллик йилларида ёшларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг

интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада ошириш мақсадида улкан бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳар йили ҳукуратимиз томонидан қабул қилинаётган Давлат дастурлари асосида, қисқа муддатларда ва сифатли қилиб бунёд этилаётган таълим масканлари, муסיқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари Сиздек баркамол ва соғлом авлодни вояга етказиш учун муҳим бир асос бўлмоқда.

Вилоятимизда ёш оилаларга етарли шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилляпти. Бу йил 144 хонадонга мўлжалланган 3 та кўп қаватли **“Камолот уйлари”** қурилиши ниҳоясига етказилляпти.

Вилоятда 13 та болалар спорти объектларида 12 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Андижон машинасозлик институти биноларида кейинги даврда 20 миллион 500 минг АҚШ доллари ва 18 миллиард сўмлик реконструкция ишлари уддаланди, ўқув заллари замонавий техник ускуналар билан жиҳозланди.

Албатта, бундай улкан ишларимиз йилдан йилга янада кенгайиб, давом этиб бораверади.

Қадрли дўстлар!

Юртбошимиз ва Ҳукуратимизнинг бундай сайъи ҳаракатларига жавобан андижонлик ёшлар ҳам ўзларининг самарали меҳнатлари, таълим олишдаги улкан ютуқлари, спорт соҳасидаги катта-катта ғалабалари билан муносиб жавоб бермоқдалар, десам муболаға бўлмайди.

Шуни фахр ва ифтихор билан айтмоқчиманки, Андижон ёшлари республикамиз ва жаҳон миқёсида ўтказилаётган турли тадбирларда, спорт мусобақаларида энг олий ўринларни эгаллаб, Юртимизнинг кўп минг сонли ёшларига чин маънода ўрнак бўлиб келмоқдалар.

Бугун ёшларимизнинг спорт ва санъат соҳасида эришаётган ютуқларини алоҳида ғурур ва ифтихор билан айтиб ўтмоқчиман.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятимиз спортчи ёшларидан 196 нафари халқаро ва республика мусобақаларда 497 та олтин, 531 та кумуш ва 605 та бронза медалларини қўлга кириртдилар.

Бокс бўйича Ҳасанбой Дўстматов Осиё чемпиони бўлди. Белбоғли курашчимиз Илҳомжон Машробов жаҳон биринчилигига олтин медалга, Дзюдо бўйича Жасурбек Содиқов бронза медалига сазовор бўлдилар.

Қизларимиздан Дурдона Абдулҳаева Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди.

Асакалик ёш хонанда Шахзод Собиржонов эстрада йўналиши бўйича “Ниҳол” мукофотиغا сазовор бўлди.

Ҳар йили бўлгани каби, бу йил ҳам “Энг улуғ, энг азиз” республика танловида ҳамда вилоятимизда ўтказилган “Хонобод таровати” ёшлар фестивалида, “Ватан ягонадир, Ватан биттадир”, “Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик” сингари кўрик-танловларда талаба-ёшларимизнинг фаол иштирок этаётганлиги, уларнинг она Ватанга, миллий қадриятларимизга, аждодларимиз анъаналарига бўлган меҳру муҳаббатлари нақадар юксак эканлигидан далолат беради.

Мен ишонаманки, бугун даврамизда қатнашаётган ёшларимиз орасидан ҳам буюк аждодларимиз каби дунё таниган машҳур инсонлар етишиб чиқиб, Она юртимиз ва мустақил диёримизнинг нурли келажаги учун ҳар қачонгидан ҳам астойдил меҳнат қилиб бораверадилар.

Қадрли ёшлар!

Бугунги байрамингизда ҳамма-ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, куч-қувват, ғайрат-шижоат, баркамоллик тилайман.

Муҳтарам Юртбошимизнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт” деган гаплари албатта рўёбга тўла чиқиши йўлида Сизларга омад, сабр-тоқат, қатъият ва ғайрат-шижоат ҳамиша ёр бўлсин.

Эътиборларингиз учун раҳмат !